

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.



Тадбир иштирокчилари томонидан 2024 йил 1-мартдан бошлаб 16 та лицензия ва рухсатномалар бекор қилинаётганлиги, жумладан, 7 турдаги рухсат берувчи ҳужжатлар, 6 турдаги рухсат берувчи ҳужжатни бирлаштириш йўли билан, 3 та лицензия ва рухсатнома хабарнома тартибига ўтказилиш орқали бекор қилиниши таъкидланиб, бунинг натижасида тадбиркорларнинг 26 млрд. сўм маблағлари тежалиб қолинаётганлиги маълум қилинди.

Шунингдек, семинар давомида Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 20-январь кундаги “«Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»”ги 37-сонли қарори асосида тадбиркорларга янада қулай шартларда кредитлар берилаётганлиги ҳақида батафсил маълумот берилди ва тадбиркорларни қийнаётган муаммолар бўйича савол-жавоблар бўлиб ўтди.